

**М.НЫЗАНОВНИНГ ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА**

**Байниязова Тазагул Қырқбаевна**

*ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар  
илмий тадқиқот институти*

**Т.К.Байниязова**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими  
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти*

Мақола М.Низановнинг ижодий лабораториясини ўрганишга бағишланган. Унда адибнинг «Таржимаи ҳолим» мемуарида, шунингдек интервьюларида, ҳикояларида ўз аксини топган муаллифнинг бадиий адабиётга қизиқиши, бошқа адиблардан ўрганиш тажрибаси, асарни ижод қилишдаги изланиш жараёнлари ўрганилади ва ёзувчининг ушбу йўналишдаги шахсий тажрибалари асосланади.

***К вопросу об изучении творческой лаборатории М.Низанова***

**Т.К.Байниязова**

*Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук  
Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан*

Статья посвящена изучению творческой лаборатории М.Низанова. В ней анализируется отражение в мемуарах «Моя автобиография», а также в интервью и рассказах интереса автора к художественной литературе, заимствование опыта других писателей, процессы исканий при создании произведения, и обосновывается личный опыт писателя данном направлении.

***To the question of studying of M.Nizanov's creative laboratory***

**Т.К.Бауниязова**

*Karakalpak Research Institute of Humanities  
Of the Karakalpak Branch of the Academy of Sciences Republik of Uzbekistan*

The article is devoted to the study of the creative laboratory of M.Nizanov. It analyzes the reflection in the memoirs «My Autobiography», as well as interviews and stories of the author's interest in fiction, borrowing the experience of other writers, the processes of searching when creating a work, and substantiates the writer's personal experience in this direction.

**Таянч сўзлар:** ижодий лаборатория, ёзувчи, тажриба, бадиий асар, муаллиф.

**Ключевые слова:** творческая лаборатория, писатель, опыт, художественное произведение, автор

**Keywords:** creative laboratory, writer, experience, artwork, author.

Маълумки, ёзувчининг ижодий лабораториясида бадиий сўз эгасининг ҳаётий тажрибаси, иқтидори, рухият ининг хусусиятлари, адабий муҳит, меҳнаткашлиги, воқеликни идрок этиши натижасида юзага келган индивидуал-эстетик принциплари каби факторлар муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу факторларни у ёки бу ёзувчининг изланишлари мисолида ҳартомонлама ўрганиш бадиий ижодиётнинг психологик аспектиларини ойдинлаштиришга йўл очиб беради. Бунда адибнинг кундаликлари ва кўлёмалари, асар қаҳрамонларининг прообразлари, бадиий асар устида ишлаш усуллари алоҳида касб эгаллайди.

Адибнинг ижодий лабораториясини ўрганишга бағишланган ишлардан рус адабиётшунослигида Т.А.Архангельская [1], Е.Б.Шульганинг [19], ўзбек олимлари Б.Каримов [6], Н.Зиёдуллаева [5], Г.Тавалдиеваларнинг [18] илмий ишлари мавжуд. Қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам мазкур йўналишда Ж.Сағидуллаеванинг «Қорақалпоқ қиссаларида услубий изланишлар» деб номланган тадқиқотида адиб лабораторияси ва индивидуал услубини ўрганишга махсус боб ажратилган [17]. Бундан ташқари, З.Бекбергенова ушбу масалага оид «Адиб ва маҳорат» номли монографиясини нашр этган [3].

XX асрнинг 70-80-йиллари адиблардан Т.Жумамуратов, Д.Айтмуратов билан бир қаторда О.Абдирахманов, С.Жумағулов, М.Нызановдек ёш истеъдод эгалари адабий жараёнда ҳажвий асарлар яратиш билан шуғулланиб, улар ижодиёти натижасида миллий адабиётда ҳажвий ҳикоя жанри тuroқлашди. Юқорида исмлари қайд килинган ёзувчилар ичида Муратбай Нызановнинг асарлари илк бор 1966-йили чоп этилган эди [2, 65], шу кунгача адиб қатор китобларини («Шунақаси ҳам бўлади». 1979; «Нишона». 1984; «Кулгим келади». 1987; «Сизга бўмийди». 1990; «Одам кулдиргани учун». 1989; «Ўзга сайёрадаги етти кун». 1992; «Иккита қонхўр». 1994; «Ҳазина». 1996; «Яқинда қизиқ бўлади». 1997; «Иккита ўрдакнинг бўйраги». 2002; «Ақчагул». 2004; «Эркакнинг битта куни». 2007; «Оҳират ўйқуси». 2009; «Душман». 2010; «Сўнгги тилак». 2018; «Ҳаво кемасидаги икков». 2014; «Дарбадар». 2020; «Қорақалпоқлар». Роман-эссе. 3 китоб. 2020; «Таржимаи ҳолим». 1-2-китоблар. 2022; «Улкамизнинг ажойиб одамлари». 2022), сайланма асарлари тўпламини (Танланган асарлар. X жилдлик. 2008-2021), шунингдек ўзбек тилидаги («Ақчагул». 2008; «Муҳаббат

кўшиғи». 2018; «Ўзга сайёрада етти кун». 1995) ҳамда татар тилидаги («Арал дулқиннари». 1981; «Ақчагүл». 2019) китобларини нашр қилди.

М.Низанов 1960-й. иккинчи ярмидан буён ижод қилиб келмоқда. Ушбу йилларда, яъни XX асрнинг 60-йилларида Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар кузатила бошлади. 1956-йиллардан кейин юзага келган демократик жараёнлар бадиий асарларнинг кўплаб яратилишига, хусусан миллий адабиётга янги жанрларнинг (насрда: ўрта ва йирик ҳажмдаги қисса ва романлар, ҳажвий, фантастик асарлар, хотиравий наср, эссе, эпифания, шеърда эса кенг миқёсдаги поэма ва дostonлар) пайдо бўлишига йўл очиб бердим [16, 168]. Бадиий асарларнинг замонавийлик жиҳати кучайди, шеър асарлар мазмуни фалсафий, психологик, образлилик каби жиҳатлар билан бойиб борди [16, 179]. Миллий адабиётнинг ривожланиши даражаси, унинг бундан буён тараққиёт топиши М.Низанов ижодиётига маълум даражада туртки бўлди.

Ҳозирги кунда М.Низанов китобхонлар оммасига шоир, журналист, ёзувчи, драматург, киносценарист сифатида яхши танилган [11, 357]. Ваҳоланки, адабий майдонда ўзини кўп қиррали истеъдод эгаси сифатида намоён қилган М.Низановнинг ижодий лабораториясини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йўналишда адибнинг асар яратишда қўлланадиган усули, асарларига прототип бўлган тарихий шахслар, истеъдод ва ижод жараёни каби масалалар эътиборга моликдир.

Албатта, у ёки бу адибнинг бадиий сўз санъатига қандай кириб келиши алоҳида қизиқиш ўйғотади. Бу борада китобхонлар томонидан берилган «Сиз адабиётган қалай кириб келдингиз?» деган саволига М.Низанов нақд жавоб беришнинг мушкул эканлигини эслатади: «Мен билмишман қачон ва қалай кириб келганимни. Адабиёт бу муҳитдаги лой сув билан тиниқ сувнинг чегараланиб, бир-бирига қўшилмай тургани каби табиий ҳодиса эмас... Шундай бўлса ҳам, ўзимча 6-7-синфлардаги бадиий китоблар ўқишга қизиқувчанлигим сабабчи бўлганга ўхшайди, деб уйлайман» [8, 75]. У ўзининг ёшлигида ўқиган китобларига ҳозирги замон нуқтаи назаридан ёндашиб, қуйидагича ёзади: «Албатта, бугинги китобхонлар мен рўйхатини юритган 54 китобни назарга илмайди... Мен бироқ, оз деб санамайман. Барчасини юрагимдан ўтказиб, қандайдир ўзимга фойдали томонларини қабул қилиб ўқиганман» [8,75]

Одатда, ёш истеъдод эгасининг адиб сифатида шаклланиши жараёни маълум вақтни талаб қилади. Масалан, Қ.Айимбетов «халқ шоирлари А.Дабиллов ва С.Нурумбетов ўзларининг шоирлик касбини қысса<sup>1</sup> ўқишдан бошлади» дея кўрсатганлар [15, 15], З.Бекбергенова эса «Адиб ва маҳорат» номли

<sup>1</sup> Қысса – Шарқ адабиёти намунаси

монографиясида ёш қизча Г.Есемуратованинг кичкиналигидаёқ бадий адабиёт ва тасирий санъатга қизиққанини, «Мәспатша», «Ғәрип-ашық» ва бошқа халқ оғзаки ижодиёти намуналарини зехн билан ўқиб, янада бошқа соҳаларга оид адабиётларни кўпроқ ўқигани, бунақанги китоб ўқишнинг ёш қизчага оғирлик қилишини тушунган тоғаси Айтжан: «Қароғим, Гулайша, сен қандай соҳага қизиқсанг, шунга алоқадор адабиётларнигина кўпроқ ўқи» деб маслаҳат берганини такидлайди [3, 6].

Худди шундай, М.Низановта ҳам адабиётга бўлган қизиқиши кучли бўлганинига гувоҳ бўламиз. Масалан, «Таржимаи ҳолим» номли мемуарида у ўзининг мактабда ўқиб юрган чоғларида озми-кўпми шеър ёзганини, илк шеъри «Жас ленинши» газетасида чоп этилганини эслайди. Муаллифнинг айтишича, у ўқиятган мактабда қорақалпоқ халқ шоири С.Нуримбетов билан учрашув ташкиллаштирилади. Учрашувда С.Нуримбетов томонидан ўз асарларини ёддан ўқиши М.Низановнинг хотирасида муҳрланиб қолади, айниқса шоирнинг битта жумладаги сўзи унинг учун сабоқ бўлиб қолади: *«Бугун ёзган шеъринг ўзингга қаттиқ ёқади. Бироқ, вақт ўтиши билан шу шеърдан кечиб юборишингга тўғри келади. Чунки, ундаги камчиликлар ўзингга аниқ кўриниб, ёқтирмай қоласан»* [8, 89]. Мазкур жумланинг ҳақиқат экани муаллифнинг шахсий тажрибасида ўз тасдиғини топади. Чунки, ўзининг илк шеърларининг қарийб барчасини танқидий назардан қараб чиққач, муаллиф уларни яқинда нашр қилинажак китобларига киритмайди, «Нишона» ҳикоялар тўпламидаги асарлари бадийлигининг пастлигини, ҳешқанақа аҳамияти йўқ бўлиб қолганлигини тан олади [8, 90]. Интервью пайтида эса ёзувчи ўша фикрни яна бир маротаба қайд қилади: *«Ёқмай қолган асарларимдан кечвораман. Масалан, «Нишона» номли иккинчи китобимдан менда битта донга хам қолмаган. Бунга ўкинмайман, чунки ундаги ҳикояларим ҳозирги кун учун аҳамияти йўқ ва энди ёзиб бошлаган давримдаги асарлар эди. Асарларим ичида юқорида такидлаганимдек, ёқмаганларимдан кечвораман. Қолганлари ўз фарзандларимдек, барчаси бирдек қадрдон»* [4].

М.Низанов «адибнинг ижодий лабораторияси» деганда, ёзиш усулини (техникасини – Т.Б.) тушунишини такидлайди ва асар матнини қоғоз юзига қўл билан ёзиб туширишини қайд қилади: *«бурун бевосита машинкага ўтириб ёзадиган адиблар ҳам бор эди. Ҳозир ҳам уларнинг «ворис»лари топилиб қолади, яъни асарини бевосита компьютерде ўтириб ёзади. Менга бундай ҳунар буюрмаган. Шу пайтгача қанча ҳикоя, қанча роман, қисса ёзган бўлсам, уларнинг ҳаммасини қўлда, ручкада ёзганман. Менинг ёзиш усулимдаги яна бир ҳолат, ҳар қандай қўлёзмани камида тўрт маротаба, айрим ҳолатларда 6-7 мартагача кўчириб ёзаман. Бу шунчаки кўчириб ёзиш эмас, қайта ишлаш билан кўчираман. «Кўчираман» деганда, тугаб турган романни бошдан охиригача кўчиради деб*

*тушинилмаслиги керак, уни ёзиш жараёнида ҳар бобни қайта ишлаш устида юз беради бу ҳолат» [12, 428]. Кўриниб турибдики, ёзувчининг асар яратиш жараёни матнни қоғозга қўлдан кўчириш, уни қайта ишлаш воситасида юзага ошади. Бундан илгарида, яъни «Танланган асарлари»нинг X жилдида қўйидаги сатрларни учратамиз: «Бошқаларда қанақа ҳолат бўлишини билмайман, мен ўзим ҳар қандай асар яратарда ҳамма «кўчирмаларни» миямда ўтказаман. Хотирамда бир неча мартаба қайта ишлайман, «ўчириб-чизаман», тайёр бўлдиёв деган вақтда тушираман. Бундан кейинги қайта ишлаш менга қийин кечмайди» [10, 304].*

Хуллас, М.Низановнинг маълум бир асар яратиш борасида ижод қилганда, матнни қўлда ёзиш орқали уни бир неча бор кўчира ўтириб, ушбу асарнинг мазмунини синчиклаб тафаккуридан ўтказишини, сюжет воқеалари, у ёки бу образни яратишда ўз устида қатъий ишлашининг гувоҳи бўламиз. Бадиий асар яратишдаги бундай усул асарнинг жанрий-шаклий, бадиий-эстетик жихатдан такомиллашишига хизмат қилади. Шунини такидлаб ўтиш жоизки, интервью пайтида М.Низанов: «мен қўлёмаларимни сақлаб қўймайман. Улар хешқаёққа сизмас эди. Шунинг учун наирда чиққанидан кейин уларни йиртиб ташлайман» дейди [4].

Қўшимча ўрнида шунини такидлаб ўтиш керакки, интервью вақтида М.Низановнинг ижодий лабораториясини янада теранроқ ўрганиш мақсадида муаллифдан қандайдир кундаликлари ёки бўлмаса қўлёмалари мавжуд бўлса, бериб туришини илтимос қилган эдик. Адиб ўз қўлёмаларини сақламаслиги тўғрисида айтгани билан, кундаликлари борасида ҳечнима айтмади.

Хулоса қилиб айтганда, М.Низановнинг ижодиётида унинг мактабда ўқиётган давридаёқ китоб ўқишга бўлган иштиёқининг кучли бўлиши, устоз даражасига эришган адибларнинг ижодий тажрибасига қизиқиш, бадиий асарни яратишда унинг матнини бир неча бор қўлда кўчириш баробарида асарни ўз миясида такрор ва такрор қараб чиқиш, вақт ўтиши билан илгари яратилган асарларга танқид нуқтаи назаридан ёндашиш каби жихатларни кўрамиз. Шунинг билан бирга, адибнинг у ёки бу асарининг яратилишига асос бўлган воқеа ва ҳодисалар, ундаги қаҳрамонлар образини яшашга туртки бўлган прототип ва прообразлар, асарда фаол ишлатилган деталь, образ, мотивлар, адибнинг таржима яшаш йўли билан бошқа муаллифлардан ижодий ўрганиш каби масалаларни бундан буён ҳартомонлама ўрганиш М.Низановнинг ижодий лабораториясини очиб бериш, адибнинг воқелик воқеа ва ҳодисаларини бадиий ҳақиқатликка айлантириш йўлидаги изланишларини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Архангельская Т.А. В творческой лаборатории Л.Н.Толстого: Источники, прообраз и образ, литературные связи. Дисс.кан.филол.наук. Орел, 2004. –265 с.
2. Ахметов С., Худайбергенов К. Писатели советской Каракалпакии. Нукус: Каракалпакстан, 1983. – 220 с., с. 65.
3. Бекбергенова З. Жазыўшы хэм шеберлик (Гүлайша Есемуратоаның дөретиўшилиқ лабораториясы ҳаққында). Монография. Нөкис: Билим, 2020. – 120 б.
3. Белецкий А.И. В мастерской художника слова. / Сост., вступ. ст., коммент. А.Б.Есина. – Москва, Высшая школа. 1989.
4. Дала жазыўлары. М.Нызанов пенен интервью. 2022 жыл, ноябрь.
5. Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабиётунослигида иждокор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қахҳор ҳаёти ва иждоди асосида): филол.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.
6. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (А.Қодирийшунослиқ муаммоси): филол.фан.докт. ... дисс. автореф. Т: 2002. – 20 б.
7. Нызанов М. Қарақалпақлар ҳаққында сөз. Филология илимлеринин докторы, әдебиятшы Қуўанышбай Оразымбетов пенен сәўбет // Нызанов М. Таңламалы шығармалары. X томлық. X том. – Нөкис: Билим, 2021. – 440 б., б.357.
8. Нызанов М. Өмирим баяны. Биринши китап. Нөкис: Jeti iqlim, 2022. – 296 б.
9. Нызанов М. Өмирим баяны (мемуар). Екинши китап. Нөкис: Jeti iqlim, 2022. – 292 б.
10. Нызанов М. Мен жанр жатырқамайман. Сәўбет (Сәўбетлескен А.Изимбетова). / Нызанов М. Таңламалы шығармалары. X томлық. Том III. Нөкис: Билим, 2014. – 304 б.
11. Нызанов М. Қарақалпақлар ҳаққында сөз (Қ.Оразымбетов пенен сәўбет). / Нызанов М. Таңламалы шығармалары. X томлық. Том X. Нөкис: Билим, 2021. – 440 б., б.369.
12. Нызанов М. Биринши оқыўшым – сизлер. Онлайн сәўбет. / Нызанов М. Таңламалы шығармалары. X томлық. Том X. Нөкис: Билим, 2021. – 440 б.
13. Нызанов М. Таңламалы шығармалары. X томлық. Том III. Нөкис: Билим, 2014. – 304 б.
14. Нызанов М. Қойын дәптерге қайым гәплер. Нөкис: «Билим», 2017. – 232 б.
15. Нызанов М. «Үлкемиздиң әжайып адамлары». Нөкис: «Билим», 2017. – 232 б.
16. Пахратдинов А. Халық шайырларында шайыршылықтың келип шыгыў тарийхынан. Нөкис: Карақалпақстан, 1980.– 84 б.
17. Пахратдинов Ә., Алламбергенов К., Бекбергенова М. XX әсир қарақалпақ әдебияты тарийхы. – Нөкис: Карақалпақстан, 2011. – 608 б., б.168.
18. Сағидуллаева Ж. Қарақалпақ повестьлеринде стильлик изленислер. (1980-жыллар). Нөкис: Qaraqalpaqstan: 2020. – 120 б.
19. Тавалдиева Г. Шукур Холмирзаев ҳикояларида воқелиқни бадий идрок этиш принциплари: филол.фан.номз. ... дисс. автореф. Т: 2001. – 20 б.
20. <http://bic-biblio.ru>